

РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛИМЛАЛ МАДАНИЯТ МАРКАЗИ

ВАЗИРАЛ МАХКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ ФАИЛ ВА
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАШТИРИШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚўМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАИЛЛАР АКАДЕМИЯСИ
Н. М. Мўминнов номидаги ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ
ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ —
БҲЮК КЕЛАЖАГИМИЗ КАФОЛАТИ



КОНСТИТУЦИЯ ЎЗБЕКИСТАНА —
ГАРАНТИЯ НАШЕГО ВЕЛИКОГО
БУДУЩЕГО

ФАЛСАФА ВА ХУҚУҚ ИНСТИТУТИ

ТОШКЕНТ - 2009

У. Абдиев. Бағрикентлик тимиолл.....	167
О.Ами-Мирзее. Межнациональная толерантность в Узбекистане.....	173
А. Каххаров. О. Назареева. Межнациональное согласие как приоритет демократии в Узбекистане.....	185
Г. Ширматова. Миллий-этник маданиятларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари.....	193
Б. Каримов. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг қурилиш борасида Ўзбекистоннинг дини соҳасидаги сиёсат.....	201
И. Мирзиёева. Ўзбекистон Конституцияси ва ёшлар тарбиясининг долзарб масалалари.....	207
С. Азамходжаева. О религиозной толерантности в Узбекистане.....	215
Н. Абдулҳасан. Ўзбекистондаги мўътадил ислом – диний бағрикентлик асоси.....	229
Ж. Шермухамедова. Толерантність и социально-политическая активность женщин Узбекистана в условиях глобализации.....	236
М. Бекмуродов. Молодёжь – сила и двигатель прогресса.....	244
З. КадYROва, А. Шарипова. Молодёжная политика в Узбекистане в контексте реализации конституционного принципа равноправия.....	253
Н. Хошимов. Малавий баркамол ёшлар – мамлакат таянчи.....	257
И. Қўзиқуллов. Ёшларни миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашда миллий кадриятларининг ўрни.....	264
Р. Медетова. Толерантность – фактор стабильности общества.....	267
М. Муҳаммаддинков. Конституция Республики Узбекистан и гарантии обеспечения прав и свобод человека.....	272
Э. Ибрагимова. Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаронолиги йўлида.....	276

Р. Назаров. Этническая и массовая культура: вопросы соотношения в эпоху глобализации.....	281
Д. Махсудов. Аждодлар меросида бағрикентлик таъкини.....	289
О. Мусаев. Миллатнинг ўтмиши, бугуни ва эртаси.....	296
А. Ходжаева. Этнические связи дунган и узбеков в средних веках.....	302
М. Расуллова. Толерантность как основа межнационального согласия в условиях формирования гражданского общества.....	309
Р. Замилова. Национальная идея и социальная солидарность.....	313

МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР МАСАЛАЛАРИ **ЁШЛАР ПСИХОЛИДА**

С. Сергеевко. Узбекистан – наш общий дом.....	318
Ш. Олимов. Миллатлараро тотувлик ва ҳамжihatлик тамойиллари.....	321
Д. Абдулладжонова. Ёшларни миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашда миллий-маданий марказларининг роли.....	324
А. Герман. Культурная деятельность, немцев Узбекистана.....	330
Э. Ризоева. Национальная идея – идея всего народа Узбекистана.....	334
Д. Серикбаева. Место и назначение национальных ценностей в воспитании молодежи в духе межнационального согласия.....	338
Н. Абдурахимова. Толерантность – важный фактор мирнастабильности.....	345
А. Волкова. Толерантность, как фактор формирования межнационального согласия.....	348

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзидиний ҳуқуқларини амалга оширишлари учун яратилган шароитларни диний ташкилотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирда республикамызда 2228 та диний ташкилот фаолият юритмоқда. Улар аҳолининг 16 конфессияга мансуб вакилларининг диний эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмоқда. Мустақиллик шарофати туфайли уларнинг фаолияти том маънода тикланди ва ривож топмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган, дунёвий ва диний фанлар бўйича билим бериладиган Тошкент ислом университети 1999 йилдан фаолият кўрсата бошлаши эса бу йўналишдаги муҳим қадамлардан бўлди. 2003 йили бакалаврлар ва 2005 йили магистрларнинг биринчи гуруҳлари бу университетни тамомладилар.

Бундан ташқари фуқароларга ислом динининг эзгу моҳиятини тушунтириш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Хидоят» ойлик журнали ва «Ислом нури» газеталари мунтазам чоп этилмоқда. Республика телевиденсис орқали «Зиё» студияси ва «Хидоят сари» кўрсатувлари мунтазам бериб борилмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қўллаб қадимгидиний-маданий обидалар тикланди, таъмирланди, қайта қурилди, янги ёдгорлик мажмуалари яратилди. Буюк мутафаккирларимизнинг юбилейлари мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида кенг нишонланди. Мамлакатимизда яшайдиган барча конфессияларнинг диний байрамлари нишонланиши учун кенг имкониятлар яратилган. Руза ва Қурбон ҳайитлари байрам кунлари деб эълон қилинди. Давлат томонидан ҳаж сафарига бориш учун кенг имкониятлар ва қулайликлар яратилди.

2007 йили январда Ислом Конференцияси Ташкилоти таркибидаги муассасалардан бири - Таълим, фан ва маданият бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг Ислом маданияти пойтахти деб эътироф этилиши мустақил давлатимиз дин соҳасида олиб бораётган изчил сиёсатининг ёрқин натижаларидан бири бўлди.

Жамият барқарорлигига тўсик бўлувчи диний экстремизм иллатидан ташқари яна бири терроризмдир. Бу ҳодисага

давлатимиз ўзининг ижтимоий ва сиёсий тараққиёти давомида дуч келди. Бундай террористик фаолиятда баъзан мамлакатимиз фуқаролари, юртдошларимиз ҳам иштирок этмоқда.

Нега инсон уни дунёга келтирган Она Юрти, Ватани, миллатига қарши чиқади? Негатгайрининсоний фаолият юритиб, ўз юртдошларини ўлдиради, бутун халқ меҳнати билан яратилган биноларни, иншоотларни вайрон қилади? Бундай ваҳшийна фаолият кўпинча сиёсий максалларда - ҳокимиятни эгаллаш учун амалга оширилади. Ўзбекистонда бундай фаолият таъкиқланганлиги давлатимиз Конституцияси ва қонунларида белгиланган.

Ислом дини миллионлаб кишиларнинг дунёқарashi мазмунини ташкил этган ҳолда маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишда бекиёс аҳамиятга эгалдир. Диний экстремизм ва терроризм ғоялари таъсирига берилган кимсалар ҳар қанча уринмасинлар муборак ислом дини, халқимизнинг келажакка бўлган ишончи, эътиқодини, тинчлигимизни оёқости қилолмайдилар ҳамда ўзбек халқини ўзи танлаб олган демократик тараққиёт йўлидан қайтара олмайдилар. Зеро, халқимиз ислом динидан ўзларининг қабих сиёсий максаллари йўлида фойдаланмоқчи бўлган бузғунчи қучларнинг асл максалдини англаб етди ва мамлакатимизда олиб борилаётган виждон эркинлиги, диний бағрикенглик ва демократияга асосланган дунёвий давлат қуриш сиёсатини тўла қўллаб-қувватламоқда.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

И. МИРЗИЁТОВ,
педагогика фанлари номзоди

Ёшлар тарбияси масаласи бузғунчи куннинг энг долзарб масаласидир. XXI асрда яшаб, самарали меҳнат қилиш, Ўзбекистоннинг буюк келажакини бунёд этиш асосан бузғунчи

*ёш асод зилмасига тушади. Уларни билмиди, маданиятни,
меҳнатсевар, ташаббускор, келатувчан этиб шакллантириши
бизнинг бош вазифамиздир.*¹

Н.А.Каримов

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асл моҳияти ва маъмуни унинг муқаддасида жуда аниқ ва муҳтасар ифода этилган бўлиб, унда жумладан, хозирги ва келажак авлодлар олдидagi юксак масъулиятни аниқлаган ҳолда, – Асосий Конституциянинг қабул қилинганлиги алоҳида қайд этилади. Мана шу жумладаннинг ўзидек давлатимиз ва жамиятимизнинг ёшлар тарбияси борасидagi буюк масъулиятни ёрқин ифода этилгандир. Бу бежиз эмас албатта. Зеро, ёшлар тарбияси масаласи ҳар бир миллат ва жамиятнинг бутунлиги ҳаёти ва эртанги тараққиётини белгилаб берадиган ўта муҳим ва долзарб масаладир. Бутунлиги тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда бу масала инсониятнинг ҳаёт-мамоти қадар долзарб муаммага айланган.

Хозирги даврни кўпчилик глобализув даври деб атамоқда. Зотан, бутунлиги серкира ва ранг баранг ҳаётда содир бўлаётган воқеа ҳодисалар дунёнинг қайси бир чеккасида бўлмасин яшн тезлигида бутун ер юзи бўйлаб тарқалмоқда ва кишилар, ҳусусан ёшлар оғтига у ёки бу даражада хоҳ ижобий, хоҳ салбий таъсирини ўтказмоқда.

Бу жараённинг ғоят ўтқир ва кенг камровли таъсири барча соҳаларда яққол намоён бўлиб турган бутунлиги шаронгта ёшлар тарбияси муаммоси ғоят нозик, ўта мураккаб ва бениҳоя долзарб масала бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам мазкур масала Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб турибди. Давлатимиз раҳбари Иллом Каримовнинг буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла

¹ Каримов Н.А. Юксак маданият – енгилмас куч. Т.: “Маданият”, 2008. Б. 173.

Авлодийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли сўзларини эслатиб, бу фикрлар асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, хозирги вақтда ҳам биз учун шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамиятга эгадир¹, деган таъкидлари бунинг ёрқин далилидир.

Давлатимиз бир қатор қонуларда ўзининг ёшларга нисбатан сиёсатини белгилади: “Ёшлар давлат сиёсатининг асослари ҳақида”, “Таълим ҳақида” қонулар шулар жумласидандир. “Қадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва ёшлар сиёсатига боғлиқ бир қатор бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. 2008 йил Ўзбекистонда “Ёшлар йили” деб эълон қилинди ва шу муносабат билан давлатимиз тегишли дастурни амалга оширди. “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Соғлом авлод жамғармаси”, Маданият ва санъат форуми жамғармаси, “Келажак овози”, “Сен ёнгиз эмассан”, “Меҳр нури”, “Келажак авлод”, “Нихол” ва бошқа ташкилотлар ёшлар тарбиясига ўз хиссасини қиритмоқда.

Шунинг алоҳида ифтихор билан таъкидлаш жоизки истиқлол фарзандлари чинакам маънода бахтли ёшлардир. Зеро, бутун уларнинг замонавий шароитларда ўқиб, билим олишлари, ҳунар ўрганишлари, асрлар давомида сайқал топиб келган миллий қадриятлариниздан баҳраманд бўлган ҳолда ўз қобилият ва иқтидорларини намоён этишлари учун кенг имкониятлар эшиги очилди. Бу шубҳасиз давлатимиз томонидан амалга оширилаётган илоҳотларнинг самарасидир.

Бундай бекиёс ғамхўрликлар самараси туфайли ўғил-қизларимиз ҳаваас қилса арзигулик, барча қулайлик ва шароитларга эга муҳташам ўқув биноларида илм олмақдалар. Улардаги ўқув қуроллари ва жиҳозларини кўриб фахр ва ғурур хиссини сезади киши.

Ушбу мулоҳазалар кўнглимиздан ўтар экан, ҳаёлимизда “Бутун воғта етаётган ёшларимиз мустақиллик улуғ неъмат эканини, у қандай кўлга қиритилганини ва бу улуғ неъматнинг

¹ Каримов Н.А. Юксак маданият – енгилмас куч. Т.: “Маданият”, 2008. Б. 62.

абалдйлигини, бугунги тинчлик ва осийишталикнинг баркарорлигини таъминловчи асосий омиллар нималардан иборат эканлигини тўла англаб етдиларми?" деган ҳақли савол пайдо бўлади. Ана шу саволларга ўрин қолдирмаслик учун Истиклол тенгдошлари, уларнинг ортидан келаётган навқирон авлод вакиллари билан маънавий йўналишда доимий иш олиб боришимиз, тарғибот-ташвиқот ишларида ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор беришимиз зарур. Зотан, қадимги грек файласуфи Демокрит бундан неча юз йиллар илгари таъкидлаб кетганидек, инсонни инсон қилиб етиштирувчи нарса – бу тарбиядир.

“Ёшлар тарбияси” деган тушунчанинг ўзи бениҳоя чуқур мазмун ва маънони ўзида қамраб олади. Зеро, ёшларимизни энг аввало Она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш зарур. Қолаверса уларни инсонпарварлик, ватанпарварлик, диний бағрикенглик ва албатта байналмилаллик, яъни миллатлараро ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашимиз зарур, чунки биз кўп миллатли мамлакатда яшаймиз.

Кўпинча, миллатлараро ҳамжиҳатликни тарғиб ва ташвиқ этиш ёки бир сўз билан айтганда байналмилаллик тарбиясини фақатгина турли миллатлар ўртасида олиб бориш зарур, деб ҳисоблайдилар. Бизнингча бундай қарашлар тор маънолидир. Чунки ҳар қандай кўпмиллатли мамлакатда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги барқарорликни таъминловчи, шунингдек, миллатлараро муносабатларда тотувликнинг кафолатини яратувчи асосий куч бу титул миллат вакилларидир.

Тарбиячи ва тарғиботчилар бу нарсани доимо ёдда тутишлари ва титул миллат ёшлари ўртасида шу йўналишдаги тарбиявий ишларни узлуксиз ва тизимли равишда амалга оширишни йўлга қўйишлари зарур.

Бу жиҳатдан, ўсиб келаётган ёшларимизни маънавий-сиёсий дунёқарашни кенгайтириш, республикамызда амалга оширилаётган маънавий, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришлар билан ёш авлодни доимо таништириб бориш ҳам устувор вазифалардан ҳисобланади. Бундай йўналишдаги

тадбирларда мутасадди раҳбарлар, ўқитувчилар ва зиёлилар иштирокида “Мустақиллик ўзи нима?”, “Ватан, она замин тушунчаси”, шунингдек, халқимизнинг ўлмас миллий-маънавий анъаналари бўлмиш ота-онага ҳурмат, “яхшиллик қилишга доимо шошилиш”, “эзгуликка интилиб яшаш”, “халқ фаровонлиги учун жонни фидо айлаш”, “эл-юрт манфаатини ҳар қандай манфаатлардан устун эканлиги” каби тушунчаларнинг мазмунини мурғак қалбларга жойлаш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимиз Раҳбари таъкидлаганларидек, таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмаслиги – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси¹ эканини чуқур англаб етиш ва унга қундалик ҳаётимизда қатъий амал қилиш бугунги ижтимоий ҳаётимизнинг долзарб масаласидир.

Деярли ҳар куни дунёнинг турли бурчакларидан Ўзбекистонлик йигит-қизларнинг спорт, музика, тасвирий ва амалий санъат соҳасида эришяётган юксак нагизжаларидан бохабар бўламиз. Ёшларимизнинг дунёдаги энг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олиши, хорижлик тенгдошлари орасида илмга чанқоқлиги, тиришқоқлиги билан ажралиб туриши бизни қувонтиради.

Улар эришяётган ютуқ ва муваффақиятлардан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Аммо хотиржамликка берилиб бўлмайди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бугунги глобаллашув шароитида, дунё тез ўзгараётган, турли давлатларнинг турлича манфаатлари ўзаро тўқнаш келаётган, бинобарин, ахборотлар хуружи авж олиб, ёшлар онги ва қалби учун мислсиз кураш тобора кучайиб бораётган бир шаронгта маънавий тарбия билан доимий равишда шуғулланишимиз, бу борада бўшлиқ пайдо бўлишига асло йўл қўймаслигимиз лозим. “Барчамизга аёнки, — деб таъкидлайди Президентимиз “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобида, — қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади.

¹Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. Б.62.

Ва аксинча — касрда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият худратли кучга айланади¹.

Тарбияли, оғоб-ахлоқли, миллати ва динидан катти назар умуман инсонга нисбатан бағрикент ва мурувватли, аини чоғда ватанпарвар, халқпарвар, бир сўз билан айтганда юксак маънавиятли бўлиш учун бир кун эмас йиллар керак. Факат мактаб эмас, бу борада, оила, маҳалла ҳам тенги йўқ куч эканини эсдан чиқармаслик зарур. Дарсдан кейин болалар тарбияси асосан улар қарамоғида бўлади. Ёшлар ўртасидаги ўзаро муносабат, хукукбўзарлик, қийинишмаданиятига эътиборсизлик, оилалардаги салбий ҳолатларнинг олдини олишга мазкур тарбия ўчоқлари ҳам бефарқ бўлмасликлари лозим. Тарбия жараёнига стардича эътибор бермаслик маҳсули эртага жиноят, беҳаёлик, турли диний экстремистик оқимларга кириб кетишлик ёки ғовий таъсирларга тушиб қолишлик каби иллатларнинг юзига келишига, кўпмиллатли мамлакатларда миллатлараро низо ва элдиятларнинг келиб чиқишига, шунингдек, жамиятимизда ногойик инсонларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Маълумки, ахлоқ илми бир бутун фандан иборат бўлиб, турли қисмлар ва умумий қоидаларни ўз ичига олади. Шу умумий қоидаларни хотираларида сақловчилар унинг қисмларини ўранишга ҳаракат қиладилар, ва уни кўнгилларидан асраб-авайлаб, ўзгаларга ҳам сингдиришга муяссар бўладилар. Умумий ахлоқий қоидалардан бири бўлган ҳадисда “Ўзингиз суйган нарсани, биродарингизга ҳам раво кўрмаунингизча ҳеч бирингиз мўмин бўла олмайсиз”² деб айтилган. Мана шу ҳикматда энг соғлом ахлоқий фазилат ўзифодасини топган бўлиб, унда миллати ва динидан катти назар ҳар қандай инсонни аввало инсон сифатида қадрлаб, инсонларга фақат ва фақат яхшилик қилишдек эзгу ният билан яшашга даъват этилган. Бу нафақат исломий, балки умуминсоний аҳамиятга эга бўлган ахлоқий

¹ Қаримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т.: Манавият, 2008. Б.116.

² Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил аш-Шайх. Ал-Жомий ас-сахих. Т.: Қонуслар бош таҳририяти, 1992. Б.15

фазилат ва маънавий қадрият ҳамдир. У бошқа кишилар билан муомалада қилинадиган амални авваламбор ўзингга татбиқ этиш лозимлигини ифодаловчи талабдир.

Тарбия жараёнида, ахборот тизими тобора ривожланиб бораётганини доимо ёлда тутиш аиникса муҳимдир. Чунки кўпгина оилалар замонавий телекоммуникация ва Интернет воситаларидан фойдаланишди. Ота-она йўтида болалар телевизор кўрмайди, дунёдаги нарсалардан бохабар бўлиши келмайди, деб айта олмаймиз. Чунки, ўсмир болалар кизикувчан бўлади.

Ҳозирги кунда муҳлислар эътиборига ҳавола қилинаётган турли жанрлардаги ижод намуналарининг туб моҳияти, мазмуни ёшлар маънавиятини нимага етаклаши ҳам муҳим жиҳат ҳисобланади. Соғда қилиб айтганда, улар томоша қилаётган санъат асарлари ўғил-қизларга нимани ўргатишига эътиборли бўлишимиз лозим.

Айрим енгил-ёлпи ёзилган ва эфирда тақрор-тақрор берилётган “ижод” намуналари ўсиш, шаклланиш палласидаги ўсмир-ёшлар дилини ҷарулаш ўрнига ўтмаслаштиради, албатта. Фарзандларимизда олдий инсоний фазилатлар, шунингдек, дўстлик, диний ва миллий бағрикентлик каби самимий туйғуларнинг мустаҳкамланишида мусика, кино санъатининг ҳам ҳаётий таъсири борлигини эътироф этиш жоиз. Бинобарин, оилада ҳам, жамиятда ҳам болалар, ўсмир-ёшлар доим тақдид қилишга мойил эканини унутиб бўлмайди. Бу уларнинг дунёни ўранишга, ҳамма нарсани билиш ва улдлашга бўлган эҳтиёжи билан ҳам боғлиқ. Шу билан бирга томошабинда ҳам ўз маънавиятига, дидига нисбатан масъуллик ҳисси бўлмоғи даркор. У нимани томоша қилиш, эшитиш ёки ўқишни танлай билиши ҳам керак.

Шунинг учун ҳам ота-она ўз фарзандлини бадний китоб, газета-журнал ўқишга, миллий қадриятларимизни ўзида муҳассам этган фильмларни кўришга, кўшиқларни эшитишга ёшлигидан ўргатиб борса, шунингдек, касб-ҳунарга рағбатлантириб, илмли, соғлом эътиқодли қилиб тарбияласа, у кўр-кўрона бошқаларга

эргашмайди, ўз қарашларига эга бўлади. Шунинг учун ҳам тақдор айтадиган, бола тарбияси учун ота-она масъул.

Таъкидлаш жонзки, дунёдаги фаол фуқаролик позициясига эга бўлган инсонларнинг Интернетдаги бузғунчи сайтлар ёшлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатаётгани борасидаги ҳақли фикрлари халқаро жамоатчилик томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

Узлуksиз таълим мазмуни ва тарбия тизими оркали ўқувчи ёшлар, талабаларда Ватани, халқига содиқлик ва меҳр-муҳаббат, миллий ғурур, миллатлараро мулоқот маданияти, инсонпарварлик, мустақил, эркин ва теран фикрлилик, ташаббускорлик, фидойилик, юксак масъулият ва бурч, қалби поклик, мустаҳкам иродалилик каби қимматли инсон учун зарур бўлган характер сифатлари маҳсус, илмий асосда шакллантириб борилади.

Соғлом эътиқодлиликни шакллантириш юртимизда асрлар давомида шакланган ислом динида эътиқод тарбиясининг мазмунига маҳсус тўхталлиш зарурлигини таъкид қилади.

Умуман ёшларимизда, хусусан ўқувчиларда виждонийликни тарбиялаш – соғлом эътиқодни шакллантиришнинг марказий вазифаси бўлиб, ундан мақсад ҳар бир ёшда ўзининг ўқувчилик, фарзандлик, ватанпарварлик, бўлажак фуқаролик бурчларини мукаммал англашига ва уларга амал қилишга, доимо ва ҳамма жойда ростгўй бўлишга, миллий одобга, ватанпарварликка, миллатлараро тотувчиликка, динлараро бағрикенгликка, миллий ғурурга иттилош ва унга эид хатти-ҳаракатни таний билиш ҳамда уларга қарини турниш, ваъда берса мукаммал бажаришга, билмаган ҳолда ҳато ёки гуноҳ қилса, дарҳол ўзи кечирим сўрай олишга, ёлғончилик, тугуруксизлик, субутензликни доимо, ҳамма жойда қоралашга қодирликни шакллантиришдан иборат.

Бу жиҳатдан Республика байналмилал маданият маркази ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Республика маънавият тарғибот маркази, Хотин қизлар қўмитаси, “Маҳалла” жамоғармаси, миллий-маданый марказлар, шунингдек олий ўқув юртилари ҳамкорлигида мунтазам равишда

ўтказиб келинаётган “Ўзбекистон – умумий уйимиз”, “Ватан ягонадир, Ватан биттадир”, “Шу азиз Ватан барчамизники”, “Мақсад бир, ғоя бир, Ватан ягона”, “Қудратимиз – бирлик ва ҳамжихатликда” мавзуларидаги маданый-маърифий тадбирлар, доимий амалий семинарлар, илмий-амалий анжуманлар ва давра суҳбатларининг тарбиявий аҳамияти бекинадир. Зеро, буюк маърифатпарвар адибимиз Абдурауф Фитрат таъкидлаб айтганларидек «Болаларни баркамол қилиб вояга етказиш учун унинг тарбиясига фақат онлагина жавобгар бўлмасдан, бутун миллат аҳли жавобгардирлар»¹.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ёшлар ўртасида маънавий тарбияни янада мустаҳкамлашимиз, тарғибот-ташвиқот ишларида йигит-қизларнинг бутунги дунёқарашини, билимини, хабардорлик даражасини ва албатта, қизқишларини, талаб-эҳтиёжларини тўла ҳисобга олишимиз мумкин. Чунки улар — миллатнинг келажаги, бутунги бунёдкорлик ишларимизни эртанги давомчиларини ва буюк келажак қурилишини йўлида янги марраларни эгаллайдиган ворисларимиздир.

О РЕЛИГИОЗНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

С. АГЗАМХОДЖАЕВ,

доктор исторических наук, профессор
Ташкентского исламского университета

Краткая история ислама в Центральной Азии

Как известно, осенью 673 года арабские войска пересекли Амударью и заняли Бухару. С этой даты начинается история ислама в Центральной Азии, который вот уже более чем тринадцать веков остается ведущей религией в этом регионе.

Согласно научным исследованиям последних лет, одной из особенностей раннего ислама в Центральной Азии является то,

¹ Фитрат А. Огла ёки оила болақарини тарбиялаш. 2-қисм. Т.: Маънавият, 1988. Б. 112